Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2002 йил 30 апрель сешанба

Сотувда эркин нархда № 91 (2919)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Эрон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳотамий 27 апрель куни Ўзбекистон Бош Вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Фанлар академиясида бўлиб, олимлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашди. "Цивилизациялар мулоқоти ва Шарқнинг ривожланиши" мавзуида маъруза қилди.

Муҳаммад Ҳотамий мамлакатимиз илм аҳли эришаётган ютуқларга юксак баҳо берар экан, икки давлат олимлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Зеро, қадимдан ёнма-ён яшаб келаётган икки халқнинг тарихий, маданий ва маърифий бойликлари жаҳон тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Бадиий академиясига ҳам ташриф буюрди. У Ўзбекистон ва Эрон миниатюра санъатининг бу ерда ташкил этилган илк кўргазмаси икки мамлакат маданий алоқаларидаги муҳим воқеа эканини таъкидлади.

Кўргазмага Эрондан Ф.Муҳфарид, М.Ҳунаркор, А.Таҳмосбий, Ўзбекистондан эса Ш.Муҳаммаджонов, А.Йўлдошев, Ш.Шоаҳмадов каби рассомлар қаламига мансуб суратлар қўйилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Муҳаммад Ҳотамий Ўзбекистон-Эрон маданий алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўшган ўзбекистонлик бир гуруҳ шарқшунос олим ва адибларга махсус мукофотларни тақдим этди. Шоислом Шомуҳаммедов, Нажмиддин Комилов, Аҳмад Абдуллаев, Жамол Камол, Асқар Маҳкам каби ижодкорлар Эрон ҳукуматининг ана шундай эътиборига сазовор бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида Муҳаммад Ҳотамий бошчилигидаги Эрон делегацияси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамроҳлигида Бухорога йўл олди.

У ерда шаҳарнинг қадимий меъморий обидаларини зиёрат қилди.

— Бухоройи Шариф аслида мустақил Ўзбекистоннинг бир шаҳри, — деди Эрон Президенти журналистларга берган интервьюсида. — Лекин у ҳозир бутун башарият мулкига айланган. Ҳадис илмининг султони Имом Ал-Бухорий шу муқаддас заминда таваллуд топган. Буюк табиб ва файласуф Ибн Синонинг ҳам киндик қони шу ерга тўкилган. Бухоро, булардан ташқари, яна жуда кўплаб буюк инсонларга Ватан бўлган юрт. Бу гўзал ва қадимий шаҳар зиёратидан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлди.

28 апрель куни эса Эрон Президенти Самарқандда "Фарм Доктор Обидий" Ўзбекистон-Эрон-Англия қўшма корхонасининг очилиш маросимида иштирок этди. Эронлик ишбилармон Обидий билан ҳамкорликда бунёд этилган бу корхона 26 турдаги антибиотик дори, ойига миллион донагача бир марта ишлатиладиган шприц, турли хил атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга. Корхона ишга тушиши билан икки юзга яқин одам иш билан таъминланди.

Шунингдек, олий мартабали меҳмон Эрон Қизил ярим ой жамияти томонидан ташкил этилган "Панжоб" поликлиникасининг очилиш маросимида иштирок этди. Самарқанднинг довруғини дунёга таратган кўҳна меъморий обидаларни зиёрат қилди.

Шундай қилиб, Эрон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Таъкидламоқ жоизки, меҳмонлар бу ташрифни ўзаро муносабатлардаги бурилиш нуқтаси, деб атади. Бунга асос етарли. Тошкентда Ўзбекистон раҳбарияти билан ўтказилган музокаралар ниҳоясида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Самарқандда эса ўзаро алоқалар ривожини намоён этадиган янги қўшма корхона ва тиббий муассаса ишга тушди. Мамлакатларимиз халқлари келгусида ўзаро ҳамкорликнинг бундай ютуқларига жуда кўп бор гувоҳ бўлишига шубҳа йўқ.

(ЎзА).

Фермернинг шашти баланд

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари сони тобора кўпаймоқда. Улар эришаётган ютуқлар ҳам қувонтиради, кишини. Сабаби — ер ўз эгасини топаяпти, деҳқон эса ўзини мулк соҳиби сифатида ҳис этиб, бор меҳрини заминга бағишламоқда. Натижада у ҳам саховатини аямаётир.

Мисол учун, Зомин туманидаги «Қодирбек» фермер хўжалигини олиб кўрайлик. Ушбу жамоа ҳақида гап кетгудек бўлса, зоминликлар «Қодирбек» нималарга қодирлигини амалда кўрсатмоқда», дейишади. Бу эътирофда муболаға йўқ. Фермер Умарқул Қодиров 89 гектар майдонда деҳқончилик қиладди. Бу йил унинг 74 гектарида ғалла, 15 гектарида беда ўстирилмоқда. Майсаларнинг ривожи кўнгилдагидек.

— Ҳадемай беданинг биринчи ўримини бошлаймиз, — дейди Умарқул ака. — Ғалладан ҳам гектар ҳисобига 60 центнердан дон, шунча миқдорда сомон олишни мўлжаллаб турибмиз. Буларнинг ҳаммаси бизга керак. Негаки, 92 бош қорамолимиз ҳам бор. Озуқа қанчалик кўп бўлса, сут ва гўшт шунчалик мўл бўлади-да.

СУРАТДА: Умарқул Қодиров.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Олий Мажлисда

Фаоллик ва ишчанлик

қонун ижросини таъминлашда асосий мезондир

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг Фарғона вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан вилоятда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2001 йил давомида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг 52 та сессияси ўтказилиб, уларда 155 та масала кўриб чиқилган. Шундан 8 таси вилоят кенгаши, 32 таси шаҳар кенгашлари, 115 таси туман кенгашлари фаолиятига тааллуқлидир.

Мазкур қонунга мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг «иш тартиби» қабул қилинган. Улар таркибида бир неча йўналиш бўйича жами 116 та доимий комиссия фаолият кўрсатмоқда. Халқ депутатлари туман кенгашлари ўз сессияларида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фермерлар ва хусусий тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келаяпти.

Фақат шугина эмас. Вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессияларида қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш юзасидан прокурорларнинг ахборотлари эшитилган, бу борадаги муаммолар бир неча бор муҳокама қилинган ва уларни ҳал этиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2001 йил 7 декабрда Ўзбекистон Конституцияси 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси асосида вилоят кенгаши томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, жойларда жамоатчилик назоратини кучайтириш чоралари кўрилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҲИСОБОТ МАНЗИЛИ

Аввал хабар қилганимиздек, ўтган ҳафтада Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги мажлисида 2002 йилнинг I чораги якунлари муҳокама этилди. Мазкур йиғилиш ўтказилгунча халқ хўжалигимизнинг барча комплексларида дастлабки уч ойда эришилган натижалар бўйича алоҳида гаплашиб олинган эди. Барча ҳудудлар ва тармоқлар раҳбарлари иштирок этган ушбу мажлисда эса ижтимоий- иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги ҳолатига баҳо беришда масала қуйидагича қўйилди: Вазирлар Маҳкамасининг 14 февралда ўтказилган мажлисида, Президентимиз маърузасида тилга олинган муаммолар қай тарзда ечим топди?

Хўш, 2002 йилнинг январь-март ойларида мамлакатимиз иқтисодиётида қандай натижаларга эришилди? Бозор муносабатларига ўтиш йўлидаги ислоҳотларни жорий этишда қандай силжишга эришдиг-у, яна нималарга эътиборни қаратишимиз керак? Бу саволлар нафақат халқ хўжалиги тармоқлари мутасаддиларини, балки Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини қизиқтириши табиий, албатта.

Долзарб мавзу

Аввало, ислоҳотлардаги ижобий одимларимиз хусусида. Иқтисодчилар тилида «пул эмиссияси» деган тушунча мавжуд. Айтайлик, аҳолига давлат ғазнасидан пул берилса-ю, лекин бу маблағ қайтиб келмаса, пул эмиссиясига йўл қўйилган ҳисобланади. Кейинги йиллар давомида биринчи марта мамлакатимизда дастлабки чоракда нақд пул эмиссиясига йўл қўйилмади, аксинча муомаладан **11 миллиард** сўм миқдорида нақд пул маблағлари қайтариб олинди.

Ривожланишнинг асосий омилларидан бири сармоя сарфлаш эканлиги ҳаммага маълум. Бу борадаги ишларимиз ҳам дуруст бораётганини айтиш керак. Ҳисобот даврида иқтисодиётда **242 миллиард сўм** миқдорида инвестициялар йўналтирилди *(Бу ўтган йилдагига нисбатан 101 фоизни ташкил этади).*

Қишлоқ хўжалиги, металлургия, ёқилғи-энергетика комплексига сарфланган сармоялар салмоғи ошди. Яна бир эътиборли томони шуки, бевосита жалб қилинган чет эл инвестицияларининг улуши ҳам умумий инвестиция таркибида ошди. Бу сармоялар ҳаракатида технологик харажатлар, яъни асбоб-ускуна сотиб олиш ва уни монтаж қилишга йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг улуши **35 фоизни** ташкил этди *(2001 йил I чорагида 24 фоиз эди).*

Агар 2001 йилда 55 минг фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, уч ойда уларнинг сафига **яна 7 минг** фермер хўжалиги қўшилди. Мамлакатимизнинг **1,3 миллион гектар** экин майдони фермерлар ихтиёрига берилди.

Мулкчилик шакли ўзгарган жамоа хўжаликлари ҳудудида 60 та мини банк, 76 та нефть маҳсулотлари билан, 80 та минерал ўғит билан таъминловчи шохобчалар, 81 та муқобил МТП, 74 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди.

Албатта, эришилган ижобий натижаларни билиш халқимиз руҳини кўтаради, мустақиллигимизни мустаҳкамлайди. Лекин бу ўзгаришлар хотиржамликка асос бўлолмайди. Президентимиз қўйган талаблар даражасига кўтарилишимиз учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Биргина ер билан боғлиқ қонунлар ижросида қанча камчиликлар бор. Назорат идоралари бу борада 523 та текширув ўтказганларида кўп жойларда қонун бузилаётганлигини аниқлаганлар. 176 та ҳолатда ҳисобот бузиб кўрсатилган. 99 та ҳолатда ер ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган. Булар текширув ўтказилган жойларда аниқланган камчиликлар. Ахир ер билан ишлашда ўзимиз тартиб ўрнатмасак, четдан келиб биров қилиб бермайди-ку?!

Электр энергиясини тежаш борасидаги аҳвол таниқдга ҳам бардош беролмайди. Газ, сув сарфини ҳисоблашнинг аҳамияти ҳукуматнинг 14 февралдаги мажлисида алоҳида таъкидланган эди. Ўтган уч ой ичида 14 минг дона газ ўлчагич ўрнатилибди *(Бу йиллик топшириқнинг атиги 2 фоизидан ҳам паст).*

Экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги ишларимиз ҳам кўнгилдагидек эмас. Чунки жаҳон бозорида харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ташкил этиш вазифаси суст бажариляпти. Ҳолбуки, бирорта ҳам қўшма корхонага эга бўлмаган туман қолмасин, деган талаб қўйилганига бир неча йил бўлди. Шундай эса-да,

Қашқадарё вилоятининг 7 та, Сирдарё вилоятининг 5 та, Сурхондарё вилоятининг 4 та, Жиззах вилоятининг 3 та

туманида қўшма корхона йўқ. Вақт эса ўтиб бораяпти.

Дастлабки чорак якунлари мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг қайси палласига келганимизни кўрсатди. Эндиликда ишимиздаги камчиликларни тезроқ бартараф этсак, ижобий тажрибаларни ёппасига жорий қилсак, олий мақсадимиз сари дадил қадам қўйган бўлардик.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ТЕКШИРУВЛАР НАТИЖАСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика назорат органлари томонидан 2002 йил биринчи чорагида ўтказилган текширувларни мувофиқлаштириш якунлари кўриб чиқилди, ўтказилаётган текширишларни келгусида тартибга солиш, назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар, биринчи галда кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаолиятига асоссиз аралашувининг олдини олиш масалалари муҳокама этилди ҳамда бу борада Кенгашнинг Андижон вилояти ҳудудий комиссияси фаолияти кўриб чиқилди. Ушбу масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Б.Хўжаев ахборот берди.

Таъкидландики, кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан текширилган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 46,5 фоизга камайтириш имконини берди. Амалдаги хўжалик субъектларининг 5,8 фоизининг фаолияти текширилди, ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 11,6 фоиздан иборат эди. Айни пайтда барча режалаштирилган текширишлар комплекс тарзда амалга оширилди, ваҳоланки ўтган йили шу тарзда ҳар учта хўжалик юритувчи субъектнинг бири текширилган эди. Текширишлар режа-жадвали лойиҳасидан 2002 йилнинг I ва II чорагида 8,7 мингта хўжалик юритувчи субъектни текшириш чиқариб ташланди. Уларнинг 70 фоизини фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этади.

Ҳисобот даврида назорат органлари томонидан ўтказилган текширишларнинг тўртдан уч қисмидан ортиқроғи текширилган хўжалик юритувчи субъектлар ишида хато ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. 15 миллиард сўмлик камчиликлар аниқланиб, айбдорларга нисбатан 14 миллиард сўмлик молиявий-иқтисодий жазо чоралари қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди, йўл қўйилган камчиликлар учун 17 минг нафардан зиёд мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, мажлисда кўпчилик ҳудудий комиссиялар назорат органларининг режадан ташқари текширишларни ўтказиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқишга юзаки ёндашаётгани,

(Давоми 2-бетда).

ИЖОДКОР ВА ЗАМОН

Тошкентда Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда олимлар, рассомлар, санъатнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Бадиий академия раиси Т.Қўзиев бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Меликоев тадбирда сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида санъаткорларнинг ижодий изланиши учун улкан имкониятлар яратиб берилганини таъкиллади. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил 23 январдаги "Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида"ги Фармони юртимизда қадимдан шаклланган миллий рассомлик мактабининг ноёб анъаналарини эъзозлаш, бойитиш ва дунёга танитишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Йиғилишда уюшманинг 1997-2001 йилларидаги фаолияти таҳлил этилди. Ўтган вақт мобайнида юртимиз рассомлари ўттизга яқин мамлакатдаги нуфузли кўргазмаларда муваффақиятли қатнашгани қайд этилди. Санъат соҳасига эндигина кириб келаётган иқтидорли ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Йигит-қизларимиз халқаро миқёсдаги турли кўрик-танлов, фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритаётир.

Тадбирда уюшманинг рангтасвир, монументал, ҳайкалтарошлик, дизайнерлик, халқ амалий санъати шўъбалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Бадиий ижодкорлар уюшмаси бўлимининг фаолияти таҳлил қилинди. Бадиий ижодкорлар уюшмасининг истиқболдаги вазифалари белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Мамлакатимизда Хитой Экспорт-импорт банки президенти Янг Цзилин раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

ХИТОЙ БАНКИРЛАРИ МУЛОҚОТИ

29 апрель куни хитойлик меҳмонлар Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев билан учрашди. Музокараларда икки мамлакат молиявий муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, хусусан, ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган янги лойиҳалар борасида фикр алмашилди.

Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида ҳам музокара ўтказди.

(ЎзА).

Банк тизими: ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Республика Марказий банкида банк тизимининг 2002 йилнинг биринчи чорагидаги фаолияти якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 апрелдаги йиғилишида ва Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 14 февралида бўлиб ўтган ҳукумат мажлисидаги маърузаларида банк тизими олдига қўйилган устувор вазифалар ижросига бағишланган кенгайтирилган Бошқарув мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Мажлисда 2002 йилнинг I чорагида ҳукумат ва Марказий банк томонидан амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати инфляция даражасини пасайтиришга, валюта бозорини барқарорлаштиришга, макроиқтисодий барқарорлик ва тўлов интизомини янада мустаҳкамлашга, банк тизимидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга ҳамда кичик ва ўрта бизнесни янада қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани қайд этилди.

Мамлакатимизда пул тизими янада мустаҳкамланди, нақд пул эмиссиясига умуман йўл қўйилмади, аксинча, муомаладан нақд пул олишга эришилди.

Банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг салкам 80 фоизини узоқ ва ўрта муддатли кредитлар ташкил этади.

Сўнгги йилларда банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банкларнинг умумий капитали ҳисобот даврида қарийб 19 миллиард сўмга кўпайиб, 2002 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 520,7 миллиард сўмга етди.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг банклардаги омонатлар қолдиғи чорак давомида 13,3 миллиард сўмга ошиб, 2002 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 104,8 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Ўтган даврда банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитларнинг ҳажми жорий йилнинг биринчи чорагида 45,9 миллиард сўмни ташкил этди. Уларнинг 67 фоизи ўрта ва узоқ муддатли кредитлардир.

Шу билан бирга, мажлисда тижорат банклари томонидан банкларни хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилиш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини кредитлаш, аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш маблағларини омонатларга жалб қилишда мавжуд барча имкониятлардан етарли фойдаланилмаётгани, ҳали ҳам бу соҳада камчиликларга йўл қўйилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мажлисда барча банклар раҳбарлари ушбу вазифалардан келиб чиқиб, эндиликда юқоридаги масалалар бўйича муаммолар юзага келадиган бўлса, айбдорларга нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Шунингдек, мажлисда тижорат банклари зиммасига банкларнинг ресурс базасини ривожлантириш ва капиталлашув даражасини ошириш, аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли омонатларга жалб қилиш юзасидан қўшимча тадбирларни кўриш вазифаси топширилди.

Жорий йилнинг II чорагидаги устувор вазифалар — Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи чораги якунларига бағишланган йиғилишида қўйилган вазифаларни бажариш, яъни қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш, нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва пул маблағларининг банкдан ташқарида айланишини кескин қисқартириш,

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Бош прокурор ўринбосари П.Бобожонов бошқарган йиғилишда Маданият ишлари вазирлигига қарашли музейларда мулкнинг сақланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширувлар натижалари муҳокама қилинди.

Маданият ишлари вазирлигига қарашли музейлардаги улкан тарихий, илмий, бадиий, маданий аҳамиятга эга бойликларнинг сақланишига қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисида"ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 июндаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат музейларида сақланаётган музей бойликларини рўйхатга олиш, уларни жамлаш ва сақлаш тўғрисида"ги йўриқнома талабларининг ижроси юзасидан белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир талай ишлар бажарилган.

(Давоми 2-бетда).

ТЕКШИРУВЛАР НАТИЖАСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари комиссиялари томонидан кўпгина режадан ташқари қисқа муддатли текширишларга асоссиз рухсат берилаётгани таъкидланди.

Баъзи бир назорат органлари томонидан белгиланган текшириш тартиблари ҳамон бузилмоқда. Ҳисобот даврида ушбу назорат органларининг 85 нафар мансабдор шахси жавобгарликка тортилди, шу жумладан 44 нафар мансабдор шахс маъмурий жавбогарликка тортилди ва 2 нафари ўз лавозимидан четлатилди.

Таъкидландики, айрим аудиторлик фирмалари томонидан берилаётган ижобий хулосалар баъзида ҳақиқатга тўғри келмайди, Молия вазирлиги томонидан уларнинг фаолияти етарлича назорат остига олинмаган. Шу муносабат билан вазирликка аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия талабларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш ва хўжалик субъектларига нотўғри хулосалар берган аудиторлик ташкилотлари лицензияларини олиб қўйиш масаласини кўриб чиқиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Кенгаш мажлисида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек давлат нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Н.Рамазоновнинг инспекция ва унинг бўлинмалари томонидан хўжалик субъектларини текшириш самарадорлигини ошириш ва тартибга солиш тўғрисидаги республика қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ҳисоботи тингланди.

Республика нефть-газ мажмуи фаолиятида ёнилғи-мойлаш материалларидан унумли фойдаланиш борасидаги мавжуд камчиликлар бошқа сабаблар билан бир қаторда тармоқ корхоналари ва улар маҳсулотининг истеъмолчилари ишини назорат этишда жиддий камчиликларга сабаб бўлаётгани, пировардида Ўздавнефтгазинспекция ва унинг бўлинмалари фаолияти самарадорлиги пастлигича қолаётгани таъкидланди. Назорат фаолияти ўйламасдан режалаштирилгани сабабли ўтган йили инспекция томонидан нефт маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда истеъмол қилиш билан шуғулланадиган корхоналарнинг 2 фоиздан ками текширишлар билан қамраб олинган. Шу билан бирга баъзи корхоналар текширишлар режасига ҳар йили киритилмоқда.

Ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш бўйича нефть базалари ва автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари фаолиятини назорат қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилмаяпти. Натижада амалдаги қонунчилик қўпол равишда бузилмоқда, катта молиявий маблағларнинг ноқонуний айланмаси учун шароит яратилмоқда.

Газ сотувчи ташкилотлар ва газ истеъмолчилари томонидан газ таъминоти ва ундан фойдаланишни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси тизими ва "Бошкоммунгаз" корхоналари фаолияти устидан назорат ўрнатилмагани боис катта миқдордаги табиий газ талон-тарож қилинишига йўл қўйилди.

Қайд этилдики, Ўздавнефтгазинспекция ва унинг бўлинмалари ходимларида текширишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича айбдор шахсларга нисбатан етарли талабчанлик йўқ, кўрилаётган чоралар мавжуд жиддий камчилик ва хатоларга мувофиқ эмас. Ўтган йили айбдор шахсларга нисбатан қўлланган 688 миллион сўм миқдоридаги молиявий жарималардан фақат 167 миллион сўми ёки 24 фоизи ундирилди. 1994-2000 йилларда нефть маҳсулотларидан нотўғри фойдалангани учун қўлланган жарималардан эса 255 миллион сўмдан ортиғи ҳозиргача ундирилмаган.

Кенгаш муҳокама этилган масала юзасидан Ўздавнефтгазинспекция ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган ишларни қониқарсиз деб топди. Инспекция бошлиғи Н.Рамазоновга йўл қўйилган камчиликлар учун шахсан жавобгар экани кўрсатиб ўтилди, инспекциянинг жорий йил I ярим йиллиги якунлари бўйича фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинмаса, Кенгаш томонидан эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача бўлган чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилди. Прокуратура органлари томонидан табиий газни талон-торож қилиш ҳолатлари бўйича жиноий ишлар қўзғатилгани ва текшириш давом этаётгани маълумот учун қабул қилинди. Мониторинг натижалари бўйича материалларни Вазирлар Маҳкамасининг ёқилғи-энергетика мажмуига кўриб чиқиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш ва айбдор мансабдор шахсларни жазолаш учун юборишга қарор қилинди.

Мажлисда текширишларни мувофиқлаштиришга алоқадор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбари Р.Абдуқодиров, Бош прокурор Р.Қодиров, адлия вазири А.Полвонзода, давлат солиқ қўмитаси раиси Ў.Комилов, қатор вазирликлар, идоралар, назорат органлари раҳбарлари, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамаси ходимлари иштирок этди ва сўзга чиқди.

(ЎзА).

«ФАЙЗЛИ — БАҒДОД» МЕБЕЛЛАРИ

"Файз" холдинг компаниясига қарашли Бағдод туманидаги "Файзли — Бағдод" масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда йигирма турдаги турли хил мебеллар ишлаб чиқараётир. Мазкур жамият нафақат ички бозор, балки ташқи бозор ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Маҳсулотларлар ўз сифати, бежиримлилиги борасида ҳар қандай хориж мебеллари билан рақобатлаша олади. Шу боис ҳам "Файзли — Бағдод" мебелларига қўшни Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам талаб катта.

Ҳозирда мазкур корхонада юз нафардан зиёд йигит-қиз меҳнат қилаётир.

— Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз нечоғли харидоргир бўлса, бундан биз ҳам манфаатдормиз, — дейишади (суратда) "Файзли — Бағдод" ишчилари Маъмур Жўраев, Мурод Қодиров ва цех бошлиғи Рустам Маматқуловлар.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Фармондан сўнгги ўйлар

Таълим ва фаннинг боғлиқлиги

тараққиёт пойдеворидир

«Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги республика Президентининг Фармонини, ундаги ғоя ва принципларни синчиклаб таҳлил қилар эканмиз, кўз олдимизда 1997 йил қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури шакллана бошлайди. Албатта, илмий тараққиёт фаолиятини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Фан ва илмнинг жамиятда, иқтисодимизда ўрни юқори, аммо мен негадир фан ва илмий ишларни Миллий дастур орқали кўраман.

Илмий-тадқиқот ишларида ҳозирги кунгача эскича бошқариш усуллари, эскича молиялаштириш ҳукм суриб келаётган эди. Бундай аҳвол, албатта Миллий дастурдаги тамойилларга зид бўлиб, таълим сифатига, ўқув жараёнига салбий таъсир қиларди. Чунки дастурда таълим тизими билан илмий ишларнинг узвий боғлиқлиги алоҳида кўрсатилган. Мен, совет давридаги илмий-тадқиқот ишларини бошқариш тизимини яхши тасаввур қиламан. Ўша даврларда юқори идораларда кимлардир «устувор» йўналишларни белгилаб берарди. Бу йўналишлар керакми, мамлакатнинг ривожини таъминлай оладими, конкрет долзарб масалалар ечиладими, деган саволлар ҳеч кимни ўйлантирмасди ҳам. Бунинг устига бу йўналишлар ўн йиллаб давом этарди. Масалан, ўша вақтдаги Геология ва геофизика институтида «қазилма бойликларни қидиришнинг илмий асосларини яратиш» деган йўналиш бўларди. Адашмасам, бу 30-35 йил давом этиб келган. Конлар очиларди, янгиси пайдо бўларди, биз эса ҳамон ўша «устувор» йўналиш бўйича ишлаб юравердик. Илмий ходимлар ҳам бундай «йўналишларнинг» ҳақиқий қийматини яхши тушунардик ва ўзимизнинг мавзуларимизни ҳам йил сайин тиркаб турарди. Сўнг қилинган ишлар ҳақида ҳисобот ёзиб, институт фондига ёки кутубхонага топшириларди. Омад келиб қолса ёки раҳбари кучлироқ, обрўлироқ бўлса, бу ҳисобот монография ёки бир неча мақола бўлиб чиқарди. Йўқса, жовонларда сарғайиб ётаверарди.

Фармондаги Мувофиқлаштириш кенгашининг ташкил қилиниши бундай вазиятга чек қўяди. Фан истиқболларини, унинг долзарблигини мутахассислар, олимлар, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларни ечишга қаратилган илмий мавзуларни белгилайди. Демократик тарзда тузилган, юқори ваколатларга эга бўлган олимлар, мутахассислар мамлакат манфаатидан, аҳолининг фаровонлиги, жамият тараққиётини таъминлашдан келиб чиқиб, қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли стратегик вазифаларни белгилайди. Назаримда, ушбу принцип амалга оширилгач, катта ютуқ қўлга киритилади. Илмий ишларга алоқаси бўлган ҳар бир мутахассис яхши биладики, бу ишни тепадан туриб «режалаштириб» бўлмайди.

Фанни, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, уларни маблағ билан таъминлаш катта ва мураккаб масала. Сир бўлмаса керак, аввалари ҳеч ким конкрет мавзу, дастур, ишларни молиялаштирмаган, чунки тегишли ташкилотлар бир мавзуни тўла-тўкис битирмасдан, кейингисини тайёрлаб қўяр эди. Шу тарзда кўпинча илмий мавзунинг қиймати, ундаги янгиликлар ҳисобга олинмасдан асосан тузилмалар, ташкилотлар маблағ билан таъминларди.

Фармонда белгиланишича, биз энди илмий текшириш ишларини грантлар тизими, рақобат асосида олиб боришимизга тўғри келади. Энди конкрет илмий натижани таъминлашга қаратилган иш ва уни амалга оширадиган илмий ходимлар молиялаштирилади.

Умуман, грант тизимини янги деб бўлмайди. Бу тизим ривожланган мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам анчадан бери маълум ва биз ундан унумли фойдаланиб келяпмиз. Масалан, Миллий университетда ҳар йили грант усулида 50 га яқин ишлар бажарилади. Булардан ташқари ИНТАС, НАТО ва ТЕМПУС, ТАСИС, СОРОС грантлари мавжуд. Бу тизим фанда кимнинг ким эканлигини дарҳол аниқлаб қўя қолади. Шунингдек, грант тизими илмий ходимлардан, рақобат иштирокчиларидан фикрни, мақсадни аниқ ва яққол кўрсатишни, мавзу натижаларини кўра билишни талаб қилади. Фармонда кўрсатилган янги принциплардан бири илмий-тадқиқот ишларининг республика манфаатларига мослиги алоҳида ўрин эгаллаганидир. Масалан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилаётганига беш йил бўляпти. Янги технологиялар, услублар, қийинчиликлар, муаммолар жуда кўп, аммо «ўзбек моделининг» моҳияти, ундаги имкониятларнинг истиқболи, янги ечимларга бағишланган тадқиқотларни бармоқ билан санаш мумкин. Бир томондан халқимиз, жамиятимиз бу дастурнинг бажарилишини зўр қизиқиш билан кузатяпти, иккинчи томондан эса ҳали бу соҳада фундаментал илмий ишни кўрсатиш қийин. Сабаби, фикримча, бу муаммоларга тааллуқли бўлган илмий-текшириш институтлари, философлар, психологлар, социологларнинг илмий режалари белгиланган, молиялаштирилган. Янги масала учун «бош қотиришнинг» нима кераги бор, деб юрганлар кўп. Бундай бегамлик кайфияти грант тизими татбиқ қилинганидан сўнг йўқолса керак. Албатта, Фармондаги тамойиллар, ғояларни ҳаётга, амалиётга татбиқ қилиш катта меҳнат талаб қилади. Аввало биз психологиямизни ўзгартиришимиз зарур, чунки рақобатбардош, жаҳон фани талабларига мос келадиган мавзуларни шакллантириш ҳамманинг қўлидан келавермайди.

Фармонда кўрсатилган яна бир принцип — бу «илғор ғояларни илгари сурувчи иқтидорли ёш олимларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш»дир. Фармонни синчиклаб таҳлил қилар эканмиз, ёшларни қўллаб-қувватлаш механизми пайдо бўлаётгани сезилади. Чунки грант тизимини жорий этиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, илмий ишларни холис, одил экспертизадан ўтказиш, махсус инновация жамғармасини ташкил қилиш — булар ҳаммаси навқирон ёш илмий ходимларга қаратилган.

Тўрабек ДОЛИМОВ, академик.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда вилоятдаги маҳаллий кенгашларнинг доимий комиссиялари ўз ваколатлари доирасида фаолият юритаётганлиги таъкидланди. Чунончи, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш доимий комиссияси тегишли ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, уларни ўз вақтида ҳал этиш юзасидан қатъий иш олиб бораяпти. Шу мақсадда доимий комиссия ҳузурида «Ишонч телефони» ташкил қилинган.

Ўрни келганда вилоятда депутатларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш масаласига жиддий ёндашилаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳокимлик ташаббуси билан депутатларнинг махсус ўқуви ташкил этилган. Ҳар чоракда икки марта ўтказиладиган «Депутатлар куни»да халқ вакиллари вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ишлар билан танишиб, ўзаро фикр ва тажриба алмашадилар.

Фаоллик ва ишчанлик

Қонун ижросини ўрганиш жараёнида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятида бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланди. Улар нималардан иборат? Айтиш керакки, кенгаш сессиялари муҳокамасига масала тайёрлашда тегишли ҳудуднинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий нуфузи ва муаммолари етарлича эътиборга олинмайди. Йиғилишларни хўжакўрсин учун ўтказиш ҳоллари мавжуд. Долзарб масалаларни муҳокама қилишда маҳаллий депутатларнинг иштироки яққол сезилмайди. Бундай нуқсонларни халқ депутатлари Фурқат, Қува туманлари ҳамда Қувасой шаҳар кенгашлари фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Муҳокамада қатнашган қўмита аъзолари қонун ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уларни изчил амалга ошириш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Н. ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРИЯЛАРГА ЭҲТИРОМ

Халқимиз "Қариси бор уйнинг париси бор", дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда ёши улуғ инсонлар. отахону онахонларга эътибор бўлса, ўша жойдан файзу барака аримайди. Жамиятни тубдан ўзгартириш, соғлом авлодни тарбиялаш, бой касбий ва ҳаётий тажрибанинг, эзгу анъаналар ҳамда маданий қадриятларнинг узвийлигида кексаларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастурида бу алоҳида йўналиш сифатида белгилаб берилган. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ушбу дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда "Қарияларга эҳтиром олий қадриятимиздир" мавзуидаги плакатни нашрдан чиқарди.

Унда кексаларни қадрлашдан иборат халқимизга хос қадимий анъаналар, оилаларда тинчлик ва тотувлик, жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришда қарияларнинг қўшаётган муносиб ҳиссаси ранг-баранг фотосуратларда акс эттирилган.

Плакат "Маънавият" нашриётида ўн минг нусхада чоп этилди.

(ЎзА).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, вазирликка қарашли музейларда мазкур масалаларга оид қонунлар талабларининг бузилиши, санъат асарлари ва бошқа қимматбаҳо буюмларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолиши, талон-тарож қилиниши ҳолатлари аниқланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Кўпгина музейларнинг бинолари санъат асарларини тегишли тартибда сақлаш талабларига тўла жавоб бермайди. Замонавий қўриқлаш воситалари билан жиҳозланмаган, қўриқлаш ва ёнғин ҳақида хабар берувчи сигнализациялар тўлиқ ўрнатилмаган. Борлари ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бинолардаги электр энергияси таъминоти талаб даражасида эмаслиги, ўт ўчириш мосламалари етишмаслиги, ноёб экспонатлар, айниқса, тасвирий санъат асарларининг амалдаги талабларга зид равишда сақланиши каби ҳолатлар мавжудлиги ачинарлидир.

Йиғилишда музейларда мулкнинг сақланишига қаратилган қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш, мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш, соҳадаги ишларни янада жонлантириш юзасидан зарур чоратадбирлар белгиланди.

Б.НОРБОЕВ, ЎзА мухбири

Янги замон одамлари

Деҳқончиликда ижобий натижаларга эришишда ўзига хос мактаб яратган Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси, миришкор пахтакор Эргаш Ниёзов... сингари фидойи инсонларга ҳар қанча таҳсин айтсак арзийди.

Ислом КАРИМОВ.

АМАЛ — ЮК, МЕҲНАТ — ОБРЎ

Эргаш Ниёзов халқнинг обрў-эътиборига фақат ва фақат машаққатли меҳнати билан эришди. Ўзи ҳалол-пок, шу боис бошқаларнинг ҳам қинғир иш қилишларига йўл қўймайди. Тиниб-тинчимас, бошлаган ишини охирига етказмагунча ҳаловат сезмайди, бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Дангаса, ношудларга нисбатан қаттиққўл, аммо ишчанларни ҳам эъзозлайди, ҳам даромаддан ёлчитган. Хўжаликдаги ҳамма оилага бирдек қарайди. Тўйида тўйбоши бўлади, азасида бел боғлаб туради.

Эргаш ота ўзининг ана шу фазилатлари билан «Ўзбекистон» ширкат хўжалигини иқтисодий бақувват жамоа даражасига олиб чиқди. Аслида «Ўзбекистон» — Оққўрғон туманидаги энг йирик, кўп тармоқли хўжаликлардан бири. Уни бошқариш осон эмас. Ва, айниқса, иқтисодий бақувват хўжаликка айлантириш ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин ота бу ишни эплади. Кўпдан бери ўтириб қолган хўжалик икки-уч йилда қаддини тиклади. Аъзоларнинг рўзғорига барака кирди.

— Амал — юк, — дейди Эргаш Ниёзов. — Аммо меҳнатдан қочмайдиган, янгиликка дадил қўл уришдан чўчимайдиган, кези келганда, ўз фикрида қатъий тура оладиган раҳбар учун у обрў-иззат ҳам келтиради.

Ота бу гапларни ўз бошидан кечган синоатлардан келиб чиқиб айтди. Ҳамманинг эсида: бундан тўрт-беш йил аввал барча хўжаликларнинг техника воситалари йиғиштириб олиниб, туман машина-трактор парки (МТП)га топширилди. Лекин «Ўзбекистон» хўжалиги битта сеялкасини ҳам бермади. Сабаби — раис ўз фикрида қатъий туриб олди. Шунингдек, хўжаликларнинг фермаларини хусусийлаштириш ҳаракати бошланганда ҳам, Эргаш ота оёқ тиради. «Хўжаликка яхшигина даромад келтириб турган фермани кимларгадир топшириб қўйиш ақлли одамнинг иши эмас», деб сўзини ўтказди.

Раис амалдан кетиши мумкинлигини тушунса-да, шу ишни қилди. Чунки у ўзини эмас, оддий меҳнаткашларни ўйлади. Балки у давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда айтган қуйидаги сўзларини эслаб шундай қилгандир: «Бугунги кунда бизнинг энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз — аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиб беришдан иборат».

Нима бўлганда ҳам, раис ҳақ эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатди. Хўжалик ўтган йилги мавсумни 76 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Шу маблағнинг 36 миллион сўми уни ишлаб топганларнинг ўзларига дивиденд сифатида тарқатилди.

Дарвоқе, пахтачиликнинг ўзидан режадаги 176 миллион сўм ўрнига 280 миллион сўм даромад қўлга киритилди. Бу, албатта, техниканинг шарофати эди. Негаки, хўжалик МТПнинг қўмагига муҳтож эмас. Четдан ҳашарчи ҳам жалб этилмайди. Бор ҳосил аъзоларнинг кучи билан йиғиштириб олинади, бинобарин, бир сўм ҳам бегона қилинмайди.

Чорвачилик соҳаси ҳам ўтган йили 55 миллион сўм даромад келтирди. Бу йил эса, ана шу кўрсаткич камида 60 миллион сўм бўлиши кутиляпти. Чунки ҳозир бўрдоқига боқилаётган 80 бош новвосни сотишдан 30 миллион сўмдан зиёд даромад олиниши аниқ.

«Қалови топилса, қор ҳам ёнади» деганларидек, пиллачилик бир қанча хўжаликларда зарар келтираётган бир пайтда ширкатчилар 3,6 миллион сўм даромадга эга бўлдилар.

Хўжаликда иш шундай ташкил этилганки, раҳбару мутахассислар ортиқча ташвишлардан холи. Ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида маошини тўлиқ олиб турган аъзолар ўз ишларини билиб қилаверадилар. Раис бошчилигидаги мутахассислар эса, хўжалик аъзоларининг ризқи бўлган бир сўм даромадни қандай қилиб икки сўм қилиш ҳақида кўпроқ бош қотирадилар. Бошқа муаммо йўқ. Шу боис мажлисбозлигу буйруқбозликка аллақачон барҳам берилган. Фақат бир ойда фаоллар раис ҳузурида тўпланишиб, маслаҳатлашиб олишади. Ўшанда ҳам асосан келажакдаги режалар, ижтимоий масалалар ҳақида гаплашилади.

Бугунги кунга келиб, хўжаликда рентабеллик даражаси 24,6 фоизга кўтарилди. Очиғи, бундай ўсишга эришган пахтакор хўжаликлар республикамизда саноқли. Молия-ҳисоб маркази мутахассисларининг таъкидлашича, хўжалик аъзоларининг даромади ойига ўртача 30 минг сўмданга тўғри келаяпти. Ҳозир қайси жамоада бундай маош бор?

Келинг, фикримизнинг исботи учун аниқ мисолларга мурожаат этайлик.

Оилавий пудратчи Абдулла Эргашевга тегишли ерда унинг беш нафар ўғли, уч қизи, икки келини — жами ўн икки жон ишлайди. Ўтган йили ҳар гектар пахтазордан 38 центнердан хирмон кўтарилди. Оиланинг умумий даромади 3 миллион 260 минг сўм бўлди. Бундан ташқари, давлатга топширилган пахтанинг чигити ҳисобидан 2,5 тонна ёғ олди. Кўриниб турибдики, оила ўзига тўқ. Ховлисида ўнта ота, йигирма бош қорамоли, қирқта қўйи бор. Товуқ-куркаларини айтмай қўя қолайлик.

Бошқа оилалар ҳам, бу даражада бўлмаса-да, ҳар ҳолда орзу-ҳавас билан яшаяпти. Буларнинг ҳаммаси, юқорида таъкидланганидек, барча тармоқларда ишлар барқарор йўлга қўйилганлиги, ижтимоий масалалар ҳам оқилона ҳал этилаётгани туфайли юзага чиқаётир.

Хўжалик ҳудудидаги ҳамма хонадонлар табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминланганига анча йил бўлди. Аҳолига қулай бўлиши учун газ, сув, электр қуввати учун тўловларни хўжаликнинг ўзи олдиндан тўлаб қўяди. Барча хонадонларнинг соҳиблари ун, ёғ, чорва моллари учун озуқа ҳақида ўйлашмайди. Чунки бу вазифани ҳам хўжалик ўз зиммасига олган.

Ҳар йили 100-200 нафар киши Ҳамдўстлик мамлакатларининг дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб, соғлиғини тиклайди. Йўлланма текин, яъни юз фоиз хўжалик ҳисобидан. Бундан ташқари, дам олувчиларни қузатиш чоғида майда харажатлари учун уларнинг қўлларига ўн минг сўмдан нақд пул тутқазилади.

Хўжалик раҳбарияти ҳукуматнинг кучли ижтимоий ҳимояси сиёсатини амалда зиёдаси билан рўёбга чиқариб келаётгани ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хўжалик ҳудудидаги мактаб ва боғчаларда болаларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар, тарбиячилар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилади. Четдан қатнаб, дарс бераётган ўқитувчиларга йўл ҳақи учун маблағ ажратилади.

Гапни шу ерда мухтасар қилиб, Юртбошимизнинг Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашув чоғида айтган қуйидаги сўзларини келтириш жоиз: «Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзолари ўрта ва олий ўқув юртларида таълим олаётган фарзандларига махсус стипендия белгилаб, бу мақсад учун икки миллион сўм маблағ ажратгани ҳам эътиборга молик. Мен бу инсонларга ташаккур айтиб, умрингиздан барака топинг, демоқчиман. Ана шундай саховатли одамларимиз бор экан, юртимизда меҳр-оқибат туйғулари янада кучайиши шубҳасиз».

«Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг бугунги мавқеи ва нуфузи, шундай йирик хўжаликни ўн икки йилдан бери бошқариб келаётган Эргаш отанинг раҳбарлик салоҳиятига бундан ортиқ таъриф бўлмаса керак.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Банк тизими: ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида

инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш, валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банк тизимини янада ислоҳ қилишни чуқурлаштиришга қаратилган республика Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорларининг оғишмай бажарилишини таъминлаш учун барча зарур чоратадбирларни кўришдан иборатлиги қайд этилди.

Мажлисда барча тижорат банклари раҳбарлари зиммасига Президентнинг "Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда кредитларни беришда таваккалчиликни ва гаровга олинган мулкнинг бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қайтаришлик, муддатлилик ва ўз-ўзини қоплаш тамойилларига қатъий амал қилиш, кредитлар муддатини узайтириш амалиётини кескин чеклаш, хўжалик субъектларига иш ҳақи тўлашда, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширишда пластик карточкаларни кенг жорий этиш, бунинг учун банкоматлар тармоғини кенгайтириш вазифалари топширилди.

Шунингдек, республикамизнинг барча ҳудудларида тижорат банклари кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида 2002 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларининг оғишмай бажарилишини таъминлашлари, кичик ва ўрта бизнес ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларига микрокредитлар ажратишни янада кенгайтириш, айниқса, ушбу мақсадда ЕТТБ, ОТБ ва ХТТБ каби халқаро молия муассасалари томонидан ажратилаётган хорижий кредит линияларини ўзлаштиришни кенгайтириш, тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида мини-банклар сонини кўпайтириш ва уларда хизмат кўрсатиш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратишлари, бу соҳада умуман камчиликларга йўл қўйилмаслигини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўришлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

Долзарб мавзу

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси яқинда "Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида" қарор қабул қилди. Унда 1975-1984 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жорий йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз Мудофаа вазирлигининг масъул ходими, полковник Ботир МИРЗАМУҲАМЕДОВ ЎзА мухбирига мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори фуқароларни Қуролли Кучлар сафларига навбатдаги чақириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳукумат қарорига мувофиқ бу борада мудофаа вазирининг тегишли буйруғи эълон қилинди. Ҳозир мамлакатимизда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш ана шу ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз қайд этганидек, бизнинг армиямизда ҳарбий хизмат қиладиган ҳар бир ёш ўғлон ўз халқига керак эканини, унинг жанговар меҳнати Ватан учун зарурлигини, унга давлат ва жамият томонидан фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам ғамхўрлик кўрсатилишини доимо сезиб, ҳис этиб туриши даркор. Бугунги кунда бу энг қуйи бўғиндан тортиб, энг юқори ҳокимият идораларигача — барча давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ғоят муҳим вазифаси, керак бўлса, муқаддас бурчидир.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан таъминлаш мақсадида жойлардаги чақириш комиссияларининг ҳар томонлама таъминланиши ва самарали ишлаши ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, жойларда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақиришдек масъулиятли вазифа билан туман, шаҳар мудофаа ишлари бўйича бўлимлари шуғулланмоқда. Режага кўра, мудофаа ишлари бўйича барча бошқарма ва бўлимларнинг чақириш комиссиялари ўз фаолиятини белгиланган муддатда бошлаб юборди. Мазкур комиссиялар ишига ҳокимликлар вакиллари, мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар бошлиқлари ҳамда мансабдор шахслари, ички ишлар бошқармалари, жамоат ташкилотлари намояндалари ва тиббиёт ходимлари жалб этилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда чақириш участкалари зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан ўз вақтида таъминланиб, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилиши, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар жиҳатдан тиббий текшириб кўрилишини ташкил этиш ишлари изчил амалга оширилятпи. Қуролли Кучларимиз сафларига соғлом, жисмонан бақувват, руҳан тетик ёшлар танлаб олинмоқда.

Мавсумга ҳозирлик кўриш давомида баҳорги чақирувнинг сифатини янада яхшилашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкентдаги Марказий офицерлар саройида Қуролли Кучлар, Ҳарбий прокуратура ва суд, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, чақириш комиссияларининг раислари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, чақириш комиссияларининг катта шифокорлари иштирокида кенгаш ўтказилди. Унда фуқароларни муддатли ва муқобил хизматга ўтган йил дидаги муқаддас бурчини шараф билан адо этиш мақсадига киришган ёш йигитларни муносиб кутиб олиш учун пухта тайёргарлик кўрилди. Ҳарбий қисмларда ёш аскарлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Чақирилувчиларни Қуролли Кучлар сафларига жўнатиш ишлари республиканинг барча вилоятларида талаб даражасида ташкил этилмоқда. Бу иш, айниқса, Наманган ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида намунали олиб борилаётир.

Айтиш жоизки, Конституциямизнинг 52-моддасида "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар" деб ёзиб қўйилган бўлишига қарамасдан, айрим ёшлар орасида сабабсиз равишда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳоллари, оз бўлсада, учраб турибди. Ҳозир шу йўналишда маҳаллий ҳокимликлар, ички ишлар бўлимлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўриляпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, жойлардаги чақириш комиссиялари фаолиятида камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз тумани ва Қарши шаҳри, Тошкент шаҳрининг Бектемир тумани ҳамда Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳри чақирув участкалари ҳанузгача ўз биносига эга эмас. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги йиғув пунктлари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли ва Шуманай, Бухоро вилоятининг Олот, Бухоро, Вобкент ва Жондор, Жиззах вилоятининг Арнасой, Бахмал, Зафаробод ва Пахтакор, Навоий вилоятининг Конимех, Навоий, Нурота ва Томди, Сурхондарё вилоятининг Денов ва Музробод, Тошкент вилоятининг Бўка ва Чиноз, Тошкент шаҳрининг Миробод, Акмал Икромов ва Юнусобод туманлари чақирув участкалари бинолари капитал таъмирлашни талаб қилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир Қуролли Кучларни ёш аскарлар билан сифатли бутлаш жараёни бошланди. Йигитлар шонли армиямиз сафида ҳарбий жасорат, жанговарлик, бардош ва биродарлик мактабини ўтайдилар.

Бизнинг олдимизга армияни келгусида сон жиҳатидан унча катта бўлмаган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан қуролланган, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг энг самарали усулларини эгаллаган ва ҳар қандай босқинчи кучларга қарши туришга ҳамда зарба беришга қодир бўлган тезкор, ҳар томонлама ўзига суянган ва таъминланган қисмлар яратишдан иборат бош вазифа қўйилган.

Шундай экан, энг муҳим вазифамиз — Қуролли Кучлар сафларига жисмонан бақувват ва руҳан тетик фуқароларни жўнатишдан иборат бўлмоғи зарур. Зеро, армиямиз, Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, осойишталигининг муҳим кафолатидир.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Мулоҳаза

Юриш сиздан, катталар!

Шахмат қачон пайдо бўлган?

Бу савол ҳали-ҳанузгача ўз ажримини топмагандай.

Кўпгина манбааларда шахматга 569 йилда Хитойда асос солингани ҳақида гап келтирилганидан хабардорсиз.

Улуғ Фирдавсий бўлса «Шоҳнома» достонида Таве ва Талханде подшоларининг ўзаро урушлари тафсилотини келтириб, қурбон бўлганларга мотам тутганлар ўзларини шахмат ўйини билан овутганларини тасвирлайди.

Тарих фанлари номзоди Исаак Пиндер деган олим бўлса, «Шахматное обозрение» журналининг бундан 10 йил олдин чоп этилган сонларидан бирида «Шоҳнома»ни назарда тутибми, «Одам Ота шахмат ўйнаганми?» деган гапни иншо этишга журъат қилади.

Одам Ота тугул Талханде подшоларининг ҳам шахмат ўйнаганларини эшитмаганмиз. Лекин Кушон салтанатининг пойтахти бўлмиш Далварзинтепадан Эрамизнинг II асрига оид шахмат донолари топилгани — бор гап. Рост гап. Биз юқорида эслаган журнал ҳам бу ҳақда бир неча бор ёзганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шўрчи бўлими (Далварзинтепа — шу туман ҳудудида жойлашган), туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда халқ таълими бўлими бундан уч йил аввал «Далварзин шахмати» номли турнирни таъсис этганининг сабаби ҳам шундан.

— Шахмат спортнинг энг қадимий, энг катта ўйини, — дейди 64 ёшар Тоғай Кўчаров. — Бу ўйинда ёшнинг аҳамияти бўлмайди. Ўйинда етти ёшарми ё етмиш бемалол беллашаверади. Бу йилги учинчи турнирга мен, масалан, белимни маҳкам боғлаб келдим.

Бу йилги турнирнинг энг ёш иштирокчиси бўлса тумандаги 36-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Абраҳматова Умида экан. Тахтачада унинг дона суришлари дадил. Турнир баҳона, Далварзинтепа тарихини, шахмат тарихини ўрганиб бошлапти. Орзусини айтинг — шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлиш.

— Турнririмиз бу йил ҳар қачонгидан қизиқ кечди, — дейди «Камолот» кенгаши бўлим бошлиғи Комил Авазов. — 50 тага яқин мактаб ўқувчилари, йигит ва қизлар, ҳатто, қариялар иштирок этишди.

— Байрам ўз йўлига, — деб Комилжоннинг гапини давом эттиради Ўрол Имомов деган шахмат мухлиси. — «Далварзин шахмати» деган гапнинг маъноси, биласизми, жаҳоншумул. Биз вилоятдаги тегишли раҳбарларга мурожаат қилдик. «Далварзин шахмати» турнирини ҳеч бўлмаганда вилоят миқёсида ўтказиш лозимлигини айтдик. Лекин... бу гапларимизга бугун бўлмаса, яқин келажакда эътибор беришар, деб умид қиламиз.

Олимжон САНОВ,
«Халқ сўзи» ХММ.

Газетада босилмади, аммо...

ЕР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Таҳririятга Олот туманидаги «Амударё» ширкат хўжалигида яшовчи Шуҳратжон Чориевдан шикоят хати келди. Унда хўжаликдан ижарага 5 гектар ер олиб ишлаганлиги, шартнома шартларини бажарса-да, бу ерни ундан олиб қўйишганлиги ҳақида ёзилганди.

Ушбу хат таҳririят томонидан текшириш ва ўрганиб чиқиш учун Бухоро вилояти ҳокимлигига жўнатилди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари котибияти мудири Н. Арабовдан қуйидаги мазмунда жавоб хати олинди:

«Ҳақиқатан ҳам Ш. Чориевга баъзи айблар қўйилиб, унга тегишли ер олиб қўйилган ва бошқа кишига берилган экан. Ушбу масала Қоракўл туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида атрофлича кўриб чиқилиб, унга нотўғри айб қўйилган деб топилди. Ҳозирда Ш. Чориевга тегишли 5 гектар ер унга қайтарилди. 2001 йили ердан фойдаланолмаганлиги сабабли, кўрилган зарар хўжаликдан ундириб берилди».

«ELSUN-FARMBUYUM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ АЛЮМИН БУРАМА

ҚАЛПОҚЧАЛАРНИ

D28, H18; D20, H15 ЎЛЧАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

Товар сертификатлаштирилган (SSUZ 01 SO 296049). Жаҳон стандартларига жавоб беради.

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Тел./факс: (998-71) 161-10-34, 161-11-09.
Тел.: (998-71) 188-12-71, 188-12-70, 187-28-76, 144-60-74.

5629/742

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

3 май ва 21 май кунлари

абитуриентлар учун ОЧИҚ ЭШИКЛАР куни ўтказади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Е» мавзеси (собиқ 66-ўрта мактаб), метронинг «Ҳамза» бекати. Автобуслар: 132, 77, трамвайлар: 9, 4, троллейбус: 6.

5698/863

DAEWOO UNITEL

ҲАМИША ЎЗ СЎЗИДА СОБИТЛИККА ИНТИЛАДИ

Урганч ва Нукус шаҳарларидаги бўлимларда янги иш ўринлари учун танлов эълон қилади

Бўш иш ўрни:

Офис-бошқарувчи
Кассир

НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- 2002 йил июль ойигача олий ўқув юртини тугатган бўлиши
- Ёши: офис-бошқарувчи 25-30 ёш, кассир 20-30 ёш
- Рус, ўзбек ва инглиз тилларини билиши
- Компьютерда ишлай олиш малакаси
- Чет эл сафарига эркин чиқа олиш ҳуқуқига эга бўлиши

Топшириладиган ҳужжатлар:

1) ДЭУ Юнителнинг мавжуд формаси асосида 2 та резюме (рус ва инглиз тилларида)
2) 2 рангли сурат (3х4 ўлчамли ва охирги 3 ой мобайнида олинган)
3) Паспорт нусхаси (филиал очилаётган шаҳардаги рўйхат ўрни билан)
4) Тавсияномалар
5) Олий маълумот тўғрисидаги диплом ва меҳнат дафтарчасининг нусхаси
6) Иш малакасини тасдиқловчи бошқа ҳужжат ва шаҳодатномалар

Ҳужжатларни қабул қилиш жадвали:

13-18 май 2002 й. .....Урганч («Жайхун» меҳмонхонаси)
20-25 май 2002 й. .....Нукус («Тошкент» меҳмонхонаси)
Аризалар бўйича натижалар телефон ёки телеграмма орқали хабар қилинади

Маълумотлар учун мурожаат қилинг:

Тошкентда (371) 133-33-30, (590) 185-09-91

Компания тўғрисида қисқача маълумот:

- 1997 йил сентябрь — Тошкент шаҳрида фаолиятнинг бошланиши
- 2001 йил ноябрь — бутун Ўзбекистонни ягона маҳаллий қўнғироқлар ҳудуди деб эълон қилиниши
- 2002 йил март — Тошкентда икки тармоқ – GSM 1800 Мгц ва 900 Мгц
- 2002 йил апрель — ДЭУ Юнител тармоғи Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳарларини қамраб олди (Нукус, Урганч ва Хива шаҳарларида янги ўрнатилган алоқа ускуналари синовдан ўтказилмоқда)
- Абонентларнинг умумий сони — 50.000 дан зиёд

For your satisfaction only!

DAEWOO UNITEL GSM 900/1800 CELLULAR SERVICE

Бош офис: Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 1. Телефон: 185-00-22 ёки *22 - савдо бўлими

"Intercontinental" меҳмонхонасидаги филиал: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107а. Телефон: 185-09-80.

Компаниянинг вилоятлардаги офислари: Фарғона: 24-10-31, Қўқон: 2-33-30 Наманган: 4-22-02, Андижон: 53-33-30 Бухоро: 223-05-36, Самарқанд: 33-09-06 Қарши: 3-65-01

Лицензия: РТ № 0000123

DAEWOO UNITEL

ҲАМИША ЎЗ СЎЗИДА СОБИТЛИККА ИНТИЛАДИ

УРГАНЧ ва НУКУС шаҳарларида Агентлар учун танлов эълон қилади

мижозларни жалб қилиш бўйича Агент

Керакли ҳужжатлар:

1) Ариза берувчи тўғрисида асосий маълумот (юридик шахс)
2) Бош Директорнинг резюмеси
3) Бош Директор паспортининг нусхаси
4) Компаниянинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси
5) Тавсияномалар (мавжуд бўлса)
6) Бош Директорнинг таржимаи ҳоли (туғилган йили, жойи, оилавий аҳволи, иш жойлари, тажрибаси, асосий фаолиятининг шарҳи ва ҳ.)

Ҳужжатларни қабул қилиш жадвали:

13-18 май 2002 й. .....Урганч («Жайхун» меҳмонхонаси)
20-25 май 2002 й. .....Нукус («Тошкент» меҳмонхонаси)

Маълумотлар учун мурожаат қилинг:

Тошкентда (371) 133-33-30, (590) 185-09-91

Компания тўғрисида қисқача маълумот:

- 1997 йил сентябрь — Тошкент шаҳрида фаолиятнинг бошланиши
- 2001 йил ноябрь — бутун Ўзбекистонни ягона маҳаллий қўнғироқлар ҳудуди деб эълон қилиниши
- 2002 йил март — Тошкентда икки тармоқ – GSM 1800 Мгц ва 900 Мгц
- 2002 йил апрель — ДЭУ Юнител тармоғи Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳарларини қамраб олди (Нукус, Урганч ва Хива шаҳарларида янги ўрнатилган алоқа ускуналари синовдан ўтказилмоқда)
- Абонентларнинг умумий сони — 50.000 дан зиёд

For your satisfaction only!

DAEWOO UNITEL GSM 900/1800 CELLULAR SERVICE

Бош офис: Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 1. Телефон: 185-00-22 ёки *22 - савдо бўлими

"Intercontinental" меҳмонхонасидаги филиал: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107а. Телефон: 185-09-80.

Компаниянинг вилоятлардаги офислари: Фарғона: 24-10-31, Қўқон: 2-33-30 Наманган: 4-22-02, Андижон: 53-33-30 Бухоро: 223-05-36, Самарқанд: 33-09-06 Қарши: 3-65-01

Лицензия: РТ № 0000123

Мусобақа кундалиги

ЎЗБЕКНИНГ ЯРҚИРОҚ ПЕШОНАСИ СИЗ!

«Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари Озод РАЖАБОВ ва Набижон СОБИР Фарғонадан хабар қиладилар

Донишмандлар мерос қолдирган битикларнинг шаҳодат беришича, яхши ният — ягона маслак, эзгу фаолият, юксак мақсад сари ташланган дадил ва залворли одимдир. Инсоннинг ўзига ишонч туйғуларини шакллантирувчи муҳим жараёндир.

«Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари қатнашчиларининг отаётган ҳар тонгни яхши тилак билан қарши олаётганлари, мамлакатимизнинг барча минтақаларидан тўпланган ўқувчиларнинг янги кунни эзгу ният — Ватанимизнинг муқаддас рамзларига ҳурмат бажо келтиришдан бошлаётганларини кўрганда юқоридаги фикрлар хаёлимиздан ўтди.

Албатта, шундай дамларда ўнг қўлини кўксига қўйган ҳолда кўзи чақнаётган ёшларнинг кўнглида кечаётган тугёнларни билгинг келади.

— Бир нарса эътиборимни тортди, — дейди чиройли ўйинлари билан кўпчиликни ром этган волейболчи йигит Беҳзод Раҳимов. — Тенгдошларимнинг кийинишларига қарасам бирисига Тошкент, бирига Андижон, навбатдагиларига Қорақалпоғистон ёхуд Самарқанд деб ёзилган. Куни бўйи ҳар қайсимиз ўз вилоятимизнинг шаъни учун курашамиз. Эрталаб эса ҳаммамиз йиғилиб битта Ватан байроғини кўтарамиз. Мен буни биз — ёшлар нафақат спортда, балки ҳар бир соҳада ўзаро дўст бўлиб ғолибликка интилишимиз керак, деб тушундим.

Дарвоқе, Беҳзод ҳақида. У Ўзбекистон туманидаги 21-мактабнинг 10-синфида ўқийди. 7 ёшидан бери волейбол машғулотларига қатнайди. Эпчиллик ва маҳоратни устози Мадаминжон Нишоновдан ўрганибди. Фарғона вилояти волейболчиларининг «Умид ниҳоллари»нинг олтин медалига даъвогарлик қилаётганида Б. Раҳимовнинг алоҳида ҳиссаси бор.

Фарғонада ўтган 4-5 кун ичида ёшлар учун ташкил қилинаётган маданий тадбирлар анъана тусини олди. Таниқли кишилар, ёзувчи ва санъаткорлар ташриф буюради бундай учрашувларга. Шўх-шодон рақс тушаётган ўқувчиларни кўз олдингизга келтираверинг. Режага киритилмаган кечаги маросим эса барчага ёқиб тушди. Иштирокчилар даврасига ташкилий қўмита аъзолари кириб келишди. Қўлларида совғалар. Ҳамма ҳайрон. Ахир ҳали мусобақалар охирига етмаган бўлса. Орадан бир дақиқа ўтгач Нукус шаҳридаги 19-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Зафар Тўраев ва Чирчиқдаги 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Алфия Раимоваларнинг туғилган куни эканлиги эълон қилинди. Ва уларга совғалар топширилди. Қолган ўқувчилар эса таваллудини нишонлаётган тенгдошларини ўз куй-қўшиқлари билан табриклашди.

— Бизнинг дўстлашувимиз Нукусдан Марғилонга йўл олган махсус поездда бошланган эди, — дейди Индира Жуманиёзова. — Вагонларимиз қатори қайси шаҳарга етиб келмасин, бизни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш маросимлари ташкил қилинганидан жуда қувондик.

Бевосита мусобақаларга қайтадиган бўлсак, кечадан бошлаб финал ўйинларига старт берилди. Полвонлар баҳсида ғолиб ва совриндорлар ҳам аниқланди. Умумжамоа ҳисобида қашқадарёлик курашчилар биринчи ўринни эгаллашди. Сурхондарё ҳамда Хоразм вилояти ўқувчилари тегишли равишда мусобақаларнинг кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланишди. Сузиш беллашувларида 13 очко тўплаган пойтахтликларга тенг келадигани топилмади. Қолган совринли ўринлар Навоий ҳамда Фарғона вилояти терма жамоаларига насиб қилди.

Ёш футболчилар баҳсида ўз гуруҳларида ғолибликни қўлга киритган Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Фарғона ва Наманган вилоятлари вакиллари финалга йўлланма олишди. Шу ўринда яшил майдонда маҳорат кўрсатаётган ўқувчиларнинг кўпчилиги Юрий Саркисяндек катта футбол мутахассисларининг назарига тушганини таъкидламоқ жоиз.

Бугун соат 19.00 га қадар барча спорт турлари бўйича беллашувлар ниҳоясига етиб, «Умид ниҳоллари» ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтади.

Ғайратингиз кўриб
тасанно дедик,
Музаффар келажак
нишонаси Сиз.
Алпомиш ўғлонлар,
Ойбарчин қизлар,
Ўзбекнинг ярқироқ
пешонаси Сиз.

Ушбу ёруғ тилаклардан илҳомланган ижодкорлар — тантанали маросим сценарий муаллифи Носир Отабоев, режиссёр Рустам Шамсутдинов бошчилигида спортчи-ўқувчиларга ҳар галгидан-да завқли байрам ташкил этишни ният қилишган.

ДУРДОНА

«Сен етим эмассан» фильми яратилганининг 40 йиллигига

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин ўн беш йил ўтар-ўтмас тажрибали адиб Раҳмат Файзий эндигина ўзининг биринчи тўлиқ метражли бадиий фильми — «Маҳаллада дув-дув гап»ни яратиб шуҳрат қозонган Шуҳрат Аббосов билан ҳамкорликда экран асарини яратишга бел боғлади. Бир неча йил мобайнида ҳам адабиёт, ҳам кино талабларига жавоб берадиган сценарий, сўнгра фильм бунёд этилди. Бу ҳақда фикр юритганимизда Абдулла Қодирийнинг ўзбек киносининг истиқболи ёзувчилар билан кино аҳлининг ижодий ҳамкорлигига боғлиқ эканлиги ҳақидаги мулоҳазалари қанчалик ўринли эканлигини ёдга оламиз.

«Сен етим эмассан» кинофильмининг яратилиши осон кечмаган.

Ўша пайтда ҳар бир сценарий Москванинг тасдиғидан ўтар, профессионал киноактёрлар ҳали йўқ, студия Шайхонтоҳур мадрасасида кун кўрар, техник ускуналар билан мукаммал таъминланмаган эди. Раҳмат ака миллий театримизнинг икки актёри — Лутфихоним Саримсоқова ҳамда Обид Жалиловни назарда тутиб, сценарий ёзгани фильмнинг асосий муваффақиятларидан бўлди.

— Сценарий ёзиш жараёнида Лутфихон аянинг кир ювиб ўтирганини, Обид аканинг ўзгаларнинг болалари билан мулоқотда бўлиб, кичкинтойларни устига миндириб супада кишнаб, силкиниб эмаклаб юрганларини кўргандек бўлардим, — деб ҳикоя қилган эди Раҳмат Файзий суҳбатларимиздан бирида. — Қаҳрамонларимни икки машҳур ижрочи қиёфасида доимо кўриб «туришим» уларнинг хатти-ҳаракатини, имо-ишорасини, фикрлашини, эзгу ниятларини амалга оширишлари жараёнини сўз билан таърифлашга ёрдам берди. Шуҳратжон бундай анча мураккаб, лекин самарали дақиқаларнинг қадрига етди. Режиссёр фақат суратга олиш майдончасидагина ижод қилиб қолмади. Минг-минг болалар орасидан 13-14 тасини танлашда ҳам, фильмнинг ҳаётий талқин услубини белгилашда ҳам истеъдодини намойиш эта билди. Бизнинг хонадон, студиянинг сценарий бўлими, монтаж хонаси ҳамиша гавжум бўларди. Ҳар бир эпизод, кадр пухта ўйланиб суратга олинарди. Мен эса аяни, Обид акани гоҳ маъюс кайфиятда, гоҳ эса қувончли дақиқаларда кўриб, меҳрини аямай сарфлайдиган юртдошларимизнинг маънавий дунёси ҳақида ўйлардим. Фильм суратга олиниб бўлинганидан кейин ҳам шу мавзу устида ишлашни бурчим, деб билдим. Натижада «Ҳазрати инсон» романи яратилди. У хорижий тилларга таржима қилинганида бахтиёр ҳис этдим ўзимни: барча билиши керак-да ўзбекнинг бағри кенглигини, мурувватини, жасоратини.

«Жасорат» сўзини фильмнинг режиссёри Шуҳрат Аббосовга нисбатан ҳам ишлатар эдик. Чунки бу асарда «Қийинчиликларни кўрсатманг, социалистик мамлакатда уруш йиллари ҳам дон, нон етарли бўлган. Сизнинг қаҳрамонингиз эса нон карточкасини кўтариб узоқ навбат кутиб туради. Ёмғир ёғиши, фильмда бош ролни ўйнаган Л.Саримсоқова бетоб ҳолда навбат кутиб туришини кўрсатгансиз, олиб ташланг, у кадрларни!» — деган «раҳбарлар»нинг кўрсатмасига амал қилмаган. Маълум маънода тазйиқ ҳам ўтказишган. Режиссёр олишаверриб охири бетобланиб қолади. Уни шифохонага жўнатиб «Сен етим эмассан» фильми учун қўрилган саҳналарни бузиб ташлашган... Бу ҳолни кўрган Лутфихон ая Шуҳратжон мард йигит экан. Оқиллик, вазминлик билан иш тутаяпти. Менинг ўрнимда ҳамшаҳри Баҳри Акромовани тасаввур этиб шунчалик меҳр билан ишлаяпти-ки, ҳавасинг келади. Шундай режиссёр билан ишласанг-да!» — деганди.

Фильм экранга чиққандан кейин минглаб хат олдим дея хотирлаганди ая. Сиз фильмдаги 14 нафар етимнинг онаси эмас, бизнинг ҳам волидаи меҳрибонимизсиз. Сизга «ая!» деб мурожаат этишга ижозат этинг» — деб ёзилган сатрларни ўқиб, севинчдан кўзимга ёш келарди. Учрашувларда-ку, қўяверасиз, халқ мени эъзозлаб бошига кўтararди. Узоқ умр кўришимнинг сабабларидан бири кўпчиликнинг дуосини олганим бўлса керак».

Дарҳақиқат, «Сен етим эмассан» фильми миллий кино маданиятимизнинг тенги йўқ ёдгорлиги сифатида оламга ўзбекнинг саховатини кўз-кўз қилиб туради.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

СУРАТДА: Раҳмат Файзий Баҳри ая хонадонида қаҳрамони билан суҳбатда.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 376, 34017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.20
1 2 3 4 5 6

2002 йил 30 май
ЭЪЛОН!
соат 10.00 да

№-1050 «Қарши-Урганч»,
№-755 «Қўқон-Ҳаққулобод»,
№-774 «Қўқон-Чодак»,
№-792а «Ғиждувон-Зафаробод»,
№-809а «Ғиждувон-Навоий»,
№-825 «Бўка-Сирдарё»,
№-1033б «Тўрткўл-Тошкент»,
№-739 «Зиадин-Навоий»,
№-770 «Самарқанд-Ғиждувон»,
№-786 «Фарғона-Учқўрғон»,
№-731 «Шаҳрисабз-Денов»,
№-822 «Гулистон-Оққўрғон»,
№-1033а «Беруний-Тошкент»,
№-525 «Навоий с.с.-Зафаробод»,
№ - 763 «Чинобод-Ҳаққулобод», Наманган томонидан,
№ - 818 «Тошкент-Шаҳрисабз», Қашқадарё томонидан,
№ - 748 «Урганч-Нукус», Хоразм томонидан,
№ - 812 «Марғилон-Ҳаққулобод», Чуджа орқали,
№ - 1064 «Андижон-Қўқон», Риштон орқали,
№ - 795 «Термиз-Ғузор», Музрабод орқали.

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун
ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идораларо комиссия.**

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Анҳор бўйи кўчаси, 4-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идораларо комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун *2002 йил 25 май соат 17.00 гача* буюртма беришлари лозим.

Идораларо комиссия тендер таклифларини *2002 йил 29 май соат 17.00 гача* қабул қилади.

ТЕНДЕР ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Анҳор бўйи кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефон: 41-56-27.

ҲИКМАТ

Эртага қолмаса бугунги иши,
Бу дунёда ғолиб яшар шул киши.

САВОЛ БИЗДАН...

Дунёда энг узун ва тор мамлакат қайси?

136-35-60

Ўтган сонда берилган саволнинг жавоби:
Фолкетинг.
Бу ҳақда тошкентлик Борий Раҳимов биринчи бўлиб хабар берди.

Реклама ва эълонлар 136-09-25

ООО Savdo Qurilish Loyiha



Пластик ром ва эшик тизимлари winSA



Ўзимиз ишлаб чиқарган
•ГЕРМЕТИК ШИША ПАКЕТЛАР
•ИССИҚЛИК, ЧАНГ ВА ТОВУШ ЎТКАЗМАЙДИГАН
•РАНГИ ЎЧМАЙДИГАН
•МУРАККАБ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
•ТУРЛИ ХИЛ РАНГЛИ
БЕПУЛ: ЎЛЧАШ, ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ЎРНАТИШ, МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ шунингдек...
биринчи қўлдан:
Гипсокартон Knauf
Маиший смесителлар GROHE
Керамик плиткалар KERAMA'
Осма шифт AMF
Линолеум IVC
Ковролан ITC
Девор панеллари ПЕТРОПРОФИЛЬ
Растрли ёритгичлар СВЕТОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ
тел.:(998 71) 22-87-27, 22-91-87, 22-91-71, факс 121-77-92
Меъмор ва дизайнчиларни ҳамкорликка таклиф этамиз
Қурилиш компаниялари ва бригадалар учун махсус чегирмалар
Манзил: Тошкент ш., Юнусобод мавзеси, 17-даҳа, 18-бино
www.SQL.uz
e-mail:SQL@tkt.uz

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816)
ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
НАРА ТМ
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.
1 йилга кафолат берилади.
Тўлов шаклн турлича.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси Олий Мажлис депутати, қўмита аъзоси Баҳодир Бозоровга онаси
МУКАРРАМ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети жамоаси университетда узоқ йиллар фаолият кўрсатган, меҳнат фахрийси
Каримбой ЖУМАНИЁЗОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети жамоаси мониторинг бўлими бошлиғи, фалсафа фанлари номзоди, доцент Саттор Облоқуловга укаси
Баҳодир ОБЛОҚУЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мева-шарбат» корпорацияси ва Р.Р.Шредер номидаги институт жамоаси Андижон мева-кўчатчилик хўжалигининг собиқ раҳбари, уруш ва меҳнат фахрийси
Маннопжон ота ИСОҚОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоиловга онаси
Саломат (Зинаида) ИСМОИЛОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзавтойўл» Давлат акционерлик концерни, Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича Бош бошқармаси жамоаси Каттақўм автомобиль йўлларидан фойдаланиш махсус бошқармаси бошлиғи Панжи Кўзиевга онаси
РОҲАТОЙ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.